

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

“5110900 - Педагогика ва психология” таълим йўналиши

46-16 гурух талабаси Иброҳимова (Нуриддинова) Гулираъно Мурод қизининг

МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА
ФОЙДАЛАНИШ

мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар: катта ўқитувчи
Ф. Бабажанова

Гулистон – 2020

Бити्रув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 2020 йил 6 майдаги 280-О сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг 2020 йил “_____” _____ даги _____ – сонли йиғилишида мұхокама қилинди ва “_____” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарлы)

Битириув малакавий иш Физика-математика факултетининг 2020 йил “_____” _____ даги _____ – сонли Илмий-услубий кенгаши қарори билан Давлат аттестацияси комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия етилди.

Факултет декани

Ж.Комилов

Битириув малакавий иш “Ахборот технологиялари” кафедрасининг 2020 йил “_____” _____ даги _____ – сонли йиғилишида мұхокама қилинди ва ҳимояга тавсия етилди.

Кафедра мудири

Д.Тоштемиров

БМИ бажарувчи 5110700 - Информатика ўқитиши методикаси таълим йўналиши 46-16-гурух талабаси _____ Иброҳимова (Нуриддинова) Гулираъно Мурод қизи

Рахбар _____ катта ўқитувчи Ф. Бабажанова

Режа

Кириш

1-боб. Мультимедиа технологиялари ва уларнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти.

- 1.1. Мультимедиа технологиялари ва унинг ташкил этувчилари.
- 1.2. Мультимедиа технологияларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар.
- 1.3. Мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти.

2-боб. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг ўқув, методик, техник ва дастурий таъминоти.

- 2.1. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг ўқув-услубий таъминоти.
- 2.2. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг техник таъминоти.
- 2.3. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг дастурий таъминоти.
- 2.4. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси.

Хулоса.

Кириш

Мавзунинг долзарбилиги. Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши, унинг жаҳон ҳамжамиятида рақобатбардош бўлиб бориши ҳамда еришилаётган ютуқлар барқарорлигини келгусида ҳам таъминлаш, қолаверса, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш зарурати жаҳон ҳамжамиятида фан, иқтисодиёт, бошқарув ҳамда бошқа йўналишларда юз берадиган ўзгаришлар ва ютуқларни билиш, англаш, асосли хуносалар қабул қилишни тақозо етмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётнинг юксалиш босқичи изчил давом етмоқда. Модернизация жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, иқтисодиёт, таълим ва бошқа соҳаларни модернизация қилиш, енг аввало, ушбу жараёнларда иштирок етувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равищада такомиллаштириб борувчи жамият аъзоларининг дунёқарashi ва тафаккуридаги ўзгаришларга, уларнинг демократик ва туб ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 - йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, таълим тизимини ислоҳ қилиши, таълимда янги педагогик ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиши зарурлиги ҳамда мазкур фаoliyатга тегишили бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда бир қатор вазифаларни бажарии белгилаб берилди ва қисқа фурсат ичida салмоқли ишлар амалга оширилди [1].

Мамлакатимизда таълим муассасаларининг електрон ўқув-методик ресурслари базасини кенг қамровли инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириши, моддий техник базасини мустаҳкамлаш, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш бўйича амалга оширилган тизимли ислоҳотлар доирасида ўқув жараёнига замонавий ахборот технологиялари ва дастурий воситаларни жорий этиши ва қўллаб-қувватлаш даражаси оиди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга еътиборни кучайтириши, ёши авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб етиши, уларда ахборот технологияларидан тўзри фойдаланиши кўникмасини шакллантириши, ёшлар ўртасида китобхонликни тарзиб қилиши, хотин-қизлар бандлигини таъминлаши масалаларига бағишиланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар егаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўши вақтини мазмунли ўtkазишни ташкил етиши долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади [2].

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 19 март куни бўлиб ўтган йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйши бўйича 5 та муҳум ташаббусни илгари сурган еди. Бунда учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишини ташкил етишига қаратилган.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, жамиятда ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олиниши, таълим тизими учун “Таълим тўғрисида”ти Конун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши жаҳон талабларига мос келувчи узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шартшароитни яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида еътироф етилмоқда [3].

Жамият тараққиёти илгарила борган сари таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай педагогдан чукур билим, таълим соҳасидаги турли хил инновацияларни билиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича малака, шу билан биргалиқда таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилаётган билимларни, егалланаётган қўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш бўйича маҳорат талаб етилади [4].

Ўзбекистоннинг ертанги ривожи йўлида тузилган дастурлар ва уларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар етилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг

ертанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган давлат дастурларида ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил етилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими стандартлари, ўкув дастурлари, ўкув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Таълим тизимининг самарадорлигини ошириш, соҳага педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий етиш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини топган.

Ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мултимедиа тизимни қўллаш орқали амалдаги ўз педагогик фаолиятини англаш, янада юқори натижаларга еришиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнини ўзгартириш ва ривожлантириш, янги билим, бошқа бир сифатдаги педагогик тажрибага ега бўлишдаги жараён тушунилади. Таълим бериш жараёнида мултимедиа тизимни қўллаш доирасида таълим олувчиларни тушуниш, унга таълим ва тарбия бериш, ривожлантиришга бўлган янгича фалсафий-педагогик, психологик-педагогик ёндашувлар; таълим мазмуни ва методларини қўллашнинг янги концептуал педагогик ғоялари; ўқувчининг фаолияти ва ҳаётини ташкил етишнинг янги шакллари ҳамда педагогларнинг бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш ота-оналар ва ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсиридаги фаолияти амалга оширилади. Юқоридагиларни ётиборга олиб, ушбу тадқиқот иши долзарб тадқиқотлардан бири еканлигини ётироф етиш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади – мултимедиа технологияларини ташкил етuvчи воситалар ва улардан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ўқув-методик таъминотини яратиш ҳамда амалиётга жорий етиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- мултимедиа технологияларининг пайдо бўлиш тарихи, ривожланиши ва тараққиётини таҳлил етиш;
- мултимедиа технологияларини имкониятларини ўрганиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадларини белгилаш;
- мултимедиа технологияларини ва уларни ташкил етuvчи техник ҳамда дастурий воситалардан фойдаланиш методикаси ёритиши.

Тадқиқот обьекти: ўқув машғулотларида мултимедиа технологияларинидан фойдаланиш жараёни.

Тадқиқот предмети: ўқув машғулотларида мултимедиа технологияларинидан фойдаланиш усуллари ҳамда методларидан иборат.

Кутиладиган натижа – ўқув машғулотларида мултимедиа технологияларинидан фойдаланишнинг имкониятлари ёритилади ва улардан фойдаланишнинг методикаси ишлаб чиқилади.

Тадқиқот методлари: Муаммога оид фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётлар билан ишлаш, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек, информатикани ўқитиш методикасининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, сұхбат, сўров ва кузатиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти: Мазкур БМИда ўқув машғулотларида мултимедиа технологияларинидан фойдаланишнинг усуллари, таълим жараёнида мултимедиа технологияларинидан фойдаланишнинг илмий асослари ёритилди, ишлаб чиқилган ўқув-услубий материаллар амалиётда синов тариқасида ишлатилиб натижалари таҳлил қилинди.

Ишнинг такибий тузилиши: БМИ кириш, 2 боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Мультимедиа технологиялари ва уларнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти.

1.1. Мультимедиа технологиялари ва унинг ташкил этувчилари.

Мультимедиа – бу компьютер ёки бошқа рақамли маълумотлар билан ишловчи бошқа техник воситалар орқали сизга тақдим этиладиган матн, тасвир, овоз ва видеодан иборат мураккаб кўринишдаги маълумот хисобланади. Сиз маълумотни ёрқин тасвир ва анимация, видеотасвир ва матн, ўзига жалб қилувчи овоз кўринишида қаъбул қилиш натижасида ахборотни онг ва тасаввурда кенг хис қилишингиз мумкин. Агар бу жараёнга интерактивлик тадбиқ қилинса, у ҳолда таъсир доираси янада ортади.

Мультимедиа, юқорида айтиб ўтилганидек, матн, тасвир, овоз, анимация ва видеонинг бир бутун кўринишига айтилади. Агар фойдаланувчи мультимедиа иловани томоша қилиш билан биргаликда уни бошқара олса, у ҳолда бундай иловалар *интерактив мультимедиа иловалари* дейилади¹. Агар иловада структурасида навигация мавжуд бўлса, у ҳолда бундай мультимидали илова *Гипермедиа* деб аталади.

Мультимедиа таърифига кура оддий туюлса хам, у билан ишлаш жараёни мураккаб хисобланади. Мультимедиани билиш билан бир каторда мультимедианинг техник ва дастурий воситаларини хам билиш лозим. Мультимедиали ахборотлардан биргаликда иловаларини яратувчилар мутахассисларни *мультимедиа яратувчилар* деб атаемиз.

Мультимедиа иловалари компьютер, TV экраныда, PDA(personal digital assistant) шахсий рақамли ёрдамчи, ёки мобил телефон орқали кўриш мумкин. Бундан ташқари мультимедиа иловалари тижорат йўлида, ёки бирор манзилга етказилиши мақсадида CD ёки DVD ташувчиларда ёки маълумотни тортиб олиш учун Internet тармоғига жойлаштирилиши мумкин.



Расм 1.1. Мультимедиа

Мультимедиа иловалари интерактив бўлиши шарт эмас. Бундай иловалар чизиқли бўлиб, бошланишидан оҳиригача фойдаланувчи таъсирисиз амалга ошади. Агар фойдаланувчи навигация бошқаруви орқали мультимедиа иловасининг бориш жараёнига таъсирини кўрсатиши мумкин бўлса, у ҳолда бундай мультимедиали илова чизиқли бўлмаган деб аталади ва

бундай *интерактив* қўринишдаги мультимедиа илова маълумот олишда кенг имконият яратади.

Фойдаланувчи мультимедиа иловани қай даражада фойдалана олиши, иловани бошқара олиши имкониятига қараб илова структураси ва сценарийси, илова дизайнни ва дастурлашга катта эътибор қаратилади ва улкан маҳорат талаб қилинади. Нотуғри интерфейс яратилган мультимедиа илованинг муваффакиятсиз чиқишига олиб келади. Бундан ташқари контент нотуғри яратилиши натижасида мультимедиа иловада керакли маълумотларни топа олмаслигингиз мумкин.

Мультимедиа воситалари – бу фойдаланувчи овоз, видео, тасвир, матн, анимация ёрдамида мулокотда бўладиган аппарат ва дастурий воситаларнинг йифиндиси.

Мультимедиа қурилмалари - бу мультимидали маълумотларни қайта ишлаш, яъни матн, овоз, тасвир ва видеоахборотлар билан ишлайдиган аппарат воситалари бўлиб уларга қуйидагилар киради:

- Маълумотни ёзиб олиш қурилмалари;
- Маълумотни чиқариш қурилмаси;
- Манипуляторлар;
- “Виртуал борлик” қурилмалари;
- Ахборот ташувчи қурилмалари;
- Тасвирларни қайта ишлаш қурилмалари.







Расм 1.2. Мультимедианинг аппарат воситалари.

Мультимедиа элементлари дастурий воситалар ердамида бирлаштирилади. Бу дастурий воситалар мультимедиа элементларининг алохида куриниши учун амалга оширилади.

1.2. Мультимедиа технологияларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар.

Мультимедиа маълумотларини сақлаш учун катта хажмдаги рақамли хотира керак бўлади.

CD-ROM (маълумотларни ёзиш ва ўқиши учун хизмат қиласи), матн, тавсир, аудио ва видео ахборотлардан иборат мультимедиа маълумотларини ўзида сақлайди⁴.

Кўпқатламли Digital Versatile Disc технологияси (DVD) компакт-дискларнинг хажми ва имкониятларини бир томонлиги 4,7 Гб гача, икки атламли ва икки ёқли кўриниши 17.08 Гб гача оширади.

CD-ROM ва DVD-дисклар кўп вақт давомида қўлланилиб келинмоқда, шу билан бир қаторда оралиқ технологиялар натижасида флэш-дисклар ва флэш-сақловчи воситалар пайдо бўлиши натижасида юқоридаги маълумотларни ташувчи воситалар ўрни алмаштирилади.

Кенголосали интернет

Бугунги кунда телекоммуникация тармоқлари глобал ҳисобланади, шунинг учун ҳам ахборот узатувчилар маълумотни узатиш йўли ва сарф-ҳаражатларини режалаштиришлари лозим.

Глобал тармоқ орқали китоб ва журналлар матнини, бадиий фильмларни тортиб олиш, реал вақтда янгиликлардан боҳабар бўлиш, таълимга доир ўқув материал ва видеомаъruzаларни олиш, шаҳар ва қишлоқларнинг харитасини кўриш, зарур бино ёки иншоотларни ишлаш ва ҳ.к. ишларни амалга ошириш мумкин. Хизматларнинг ҳар бирининг ўзига ҳос интерфейси бўлиб, уларнинг ҳар бири амалга ошириладиган мультимедиали лойиҳа хисобланади.

<http://earth.google.com>

<http://maps.google.com/help/maps/streetview>

www.moviefone.com

www.netflix.com

www.travelocity.com

www.nytimes.com

www.5pm.co.uk

Расм 4. Интернет тармоғидаги катта шаҳарлар, ресторонлар, дам олиш масканлари, саёҳат, макон манзиллари афишаси.

Интерактив мультимедиа

дунёдаги барча хонадонларга етказиб берилади. Кўнгилочар мега-корпуслар, ахборот воситалари ва провайдерлар, алоқа компанияларини, шунингдек мавжуд техник ва дастурий воситалар глобал тармоқ имкониятларининг доимий равишда ривожланиш ва кенгайиш асос бўлади. Янги кўринишдаги бундай тармоқ мультимедиали ахборотлар билан ишлашнинг янги поғонаси бўлади⁵⁽⁵⁾.

Эндиликда биз мультимедиа компоненталари ҳақида сўз юритамиз. Булар матн, тасвир, анимация, овоз ва видео хисобланади.

Мультимедиа компоненталари қўйидагиларни ташкил қиласи:

1. Матн;
2. Аудио;
3. Тасвир;
4. Видео.


Матндан ҳар бир символ бир байтни ифодалайди. Компьютерда матн билан ишлашнинг қулай имкониятларидан бири гиперматн билан ишлаш имкониятининг мавжудлигидир. "Гиперматн" термини 1965 йили Тед Нельсон томонидан киритилди. Гиперматн бу матнни ихчам ва қулай

кўринишида ифодаланиши ва матн бўлаклари бир бири билан боғлик ҳолда ишлашига тушунилади.

Бунга мисол қилиб HTML (гиперматн разметкалар тили) да яратилган веб саҳифаларни қарашимиз мумкин.

Интернет ва World Wide Web шиддат билан ривожланиши натижасида матннинг аҳамияти янада ошди. Интернетнинг биринчи дастурлаш воситаси HTML (Hypertext Markup Language) бўлиб, оддий матнли хужжатни яратиш учун мулжалланган. Ҳозирги кунда мураккаб кўринищдаги хужжатларни, журнал ва китобларни веб-браузер ёрдамида олишимиз мумкин. Бундан ташқари оддий матнлар билан эмас, балкин Интернет бўйлаб сермазмун ва қизиқарли саёҳат қилишимиз мумкин⁶.

Шрифт график символлардан иборат бўлиб, ўз ўлчами ва турига эга. Шрифт бир оиласа мансуб ўлчам ва стилига эга символлар тўпламини ташкил қиласи. Компьютердаги дастурий воситалар қўшимча стил атрибуларини келтириб чиқаради. Одатда ўлчов пикселларда келтирилади: бир пикセル 0,013 дюйм, ёки тахминан 1/72 дюймга teng. Шрифт ўлчови катта харфнинг тепа қисмидан то харфнинг энг пастки чегарасигача олинади.



Расм 2.1. Шрифт ўлчами

Шрифт ўлчами символнинг аниқ эни ва бўйини ифодаламайди, чунки икки символнинг бўйи ва эни бир биридан фарқ қиласи.

Фойдаланувчи шрифт ўлчовини таҳирлаш ойнасидан созлаши мумкин, бунинг учун матнни таҳирлаш менюсидан таҳирлаш ишлари бажарилади. www.fontlab.com сайтидаги FONTLAB каби шрифтларни таҳирлаш Fontographer дастури ёрдамида матн ёзилиш стилини ҳам ўзгартириш мумкин. Бу дастур ёрдамида ҳар бир символ, жуфт символлар жойлашуви мос равишда таҳирланади. 2.2.-расмда Sabon туридаги шрифтнинг таҳирланиши натижаси келтирилган.

Regular
Condensed
Expanded

Расм 2.2. Шрифт ўлчамини созлаш натижаси

Шунингдек Сиз символлар оралигини созлашингиз мумкин:

Tighter Track	Av	Av
Looser Track	Kerned	Unkerned

Расм 2.3. Шрифт ўлчамини созлаш натижаси

Хозирги кунда шрифтларнинг турли кўринишларида таҳирлаш ва Сиз истаган ўлчам шаклига тўғрилаш қийин эмас⁷:

Расм 2.4. А символининг турли кўриниши

Символларни таҳрирлашда ўлчамлар икки хил сақланади: бири кичик символлар учун, иккинчиси катта символлар учун ўлчам ўрнатилади.

Мультимедиада матн

Бирор бир лойиҳани матнсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Матн ўз навбатида турли тасвиirlар ва символлар билан бойитилади. Ҳозирги кунда замонавий лойиҳалар яратишида аудио ва видео ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Бу ўз навбатида тингловчининг ҳам эшитиш органлари орқали ахборотни қабул қилишини таъминлайди. Инсон турли хис қилиш органлари орқали кўриш, эшитиш, хис қилиш орқали мураккаб кўринишдаги ахборотни қабул қилиши жараёнида ахборотни қабул қилиши ва хотирасида сақлаб қолиш фойизи юқори бўлади.

Мультимидали иловаларда матндан ёрдамчи маълумотда, меню қаторларида, навигация бўлимларида, мундарижада ва ҳ.к. бўлимларида фойдаланилади.


Аудио (лот. audio – «эшитмоқ») – овоз технологиясига таълуқли бўлиб, ташувчиларга ёзилган овоз, товуш, бундан ташқари овоз билан ишлаш тизими ва технологиялари тушунилади.

Мультимидали ахборотнинг аудио компоненти овозли маълумотларни узатиш учун хизмат қиласи. Мультимидаининг аудио компонентаси таркибиға кўра мусиқавий овоз ва нутқ овозига классификацияланади.

Овозни баҳолашда икки асосий кўрсаткич мавжуд:

- 1) овоз частотаси;
- 2) ва унинг интенсивлиги, кучи.

Овоз частотаси герцда ўлчанади, 1 герц секундига бир марта тебранишни билдиради. Овоз кучи децибелда ўлчанади. Овоз спекторини олиб қараганда эшитиш оралиғи 20 дан 20000 герцгача, инфразвук (20 герцгача) ва ультразвук – 20000 герцдан юқори.



Мусиқали овоз қуидаги характеристикага эга:

- частотаси одатда 16 дан 4500 Гц гача;
- тембр, овоз манбасидан келиб чиқади;
- баландлик, оғриқ чегарасидан ошмайды;
- давомийлик.

Нутқ овози инсон овоз пайлари ёрдамида пайдо бўлади. Нутқ овози шовқин ва тондан иборат:


- нутқ овози тони овоз пайларининг ҳаракатланишидан келиб чиқади;
- шовқин ўпкадан чиқадиган ҳаво оқимининг овозга келиб қўшилиши натижасида пайдо бўлади.

Нутқ овозининг асосий ҳарактеристикаси тон хисобланади. Нутқ овозининг бу ҳарактеристикаси сигналдаги частотани аниқлайди. Турли инсонларнинг нутқ овози частотаси турлича бўлади ва у 50-250 Гц оралиқда аниқланади.

Ахборотнинг аудио маълумоти аналогли ва рақамли кўринишда бўлади. Мультимедиа технологиялари овозининг рақамли қийматларини қайта ишлайди.

Аудио файллар форматларда классификацияланиб, форматларнинг баъзилари йўқотишлиар билан баъзилади эса йўқотишиларсиз амалга


оширилади. Йүкотишиларсиз амалга ошириладиган форматлаш овоз қийматларини бутунлигича сақлаган ҳолда дискретлаштиради.



АРҮ(АЦП) ва РАҮ(ЦАП) ишлаш принципи

АРҮ(АЦП) босқичлари:


- 1. Дискретлаш-** бу аналоги сигнални дискрет қийматлар кетма-кетлиги шаклига утказиш.
- 2. Квантлаш-** дискрет қийматлар кетма-кетлигини кодлаш жараёнига тайерлаш.
- 3.Кодлаш-ракамли қийматларни машина кодига утказиш.**



РАУ(ЦАП) боскичлари:

1. Декодлаш- машина кодидан дискрет қийматлар шкаласини ҳосил қилиш.

2. Тиклаш- аналог сигналга ўтиш.



Аудиокодек - бу дастурий таъминот ёки аппарат воситаси бўлиб, овозли маълумотларни сиқиш учун хизмат қиласди. Инсон эшитмайдиган ахборотларни олиб ташлайди.

Йўқотишлиар билан амалга ошириладиган кодек:

MPEG-1 Layer 3 или MP3; Ogg Vorbis; WavPack.

Йўқотишсиз кодеклашга мисол: FLAC; WavPack; TTA.

2.2. Компьютер графикаси. Ранг моделлари. Икки ўлчовли тасвирлар (2D) қуйидагича классификацияланади:

- Растр графикаси;
- Вектор графикаси;

- Фрактал графика.


Растр графикаси. Бу графика икки ўлчовли пикселлар массивида берилади (матрица). Пиксел (ёки пиксель) – растр тасвиридаги бир бирликни ифодалайди. Унинг қиймати тасвир рангини ифодалайди.




Вектор графика. Тасвир катталиклар тўплами шаклида ифодаланади, бунда нуқта координаталари, тўғри чизик ўзунлиги қиймати ва бошқа қийматлар билан берилади.



Фрактал графика. Фрактал (лот. fractus — фрагментлардан иборат) маъносини англатади.




Уч ўлчовли компьютер графикаси (3D) объектларни уч ўлчовли фазода куради. Уч ўлчовли графикада объектлар сиртлар кўринишида ёки қисмлар мажмуаси ҳолатида тавсифланади.




Ранг тузи билан ишлашда бир қатор моделлар мавжуд. Ранг ранг тизими координаталарини ифодаловчи қиматлар тўпламини ташкил қиласди. Ранг моделларинг қуидаги турлари мавжуд:

RGB (инг. сўзлари бош харфидан олинган Red, Green, Blue – қизил, яшил, кўк) – ранг модели. Бу ранг модели техникада кенг қўлланилади. Рангли мониторда ранг учта электрон пушка (қизил, яшил, кўк) орқали ҳосил қилинади.



CMYK (ингл. Cyan, Magenta, Yellow, black – хаво ранг, сиёхранг, сариқ, кора) модел одатда полиграфияда қўлланилади.



HSV (ингл. Hue, Saturation, Value – тон, тўйинганлик, қиймат) –ранг модели, ранг тури, тўйинганлик даражаси ва ранг қийматини аниқлайди. Бу модель RGB ранг моделининг чизиқсиз акслантириш натижасида аниқланади.

2.3. Видео. Видеоқаторлар. Анимация турлари.

Визуал кўринишдаги ахборот инсон 95% қаъбул қилишини таъминлайди.

Видео (лат. video — кўраман) — экранда тасвиirlар кетма-кетлигидан хосил бўлади.

Видеокаторлар икки хил кўринишда бўлади:

1. Статик — графика (график режимидаги расмлар, интерьер, фон, символлар) ва фототасвиirlардан (фототасвиirlар ва сканерланган тасвиirlар) иборат;

2. Динамик — кадрлар кетма кетлигидан иборат. Динамик видеоқаторларни уч турга бўлиш мумкин:


- анимация — сунъий хосил қилинган тасвиirlар кетма-кетлигидан хосил қилинади;
- видео (life video) — фототасвиirlар кетма-кетлигидан хосил қилинади (секундига 24 кадр);
- квазивидео — фототасвиirlар кетма-кетлиги (секундига 6—12 кадр);

Видео. Видеоқаторлар. Анимация турлари. Анимация (animation) - лотинча "anima" сўзидан олинган бўлиб - рух, жон маъносини билдиради (рухлантириш, жонлатириш).

Инсон тасаввурида тимсолларни хосил қилиш учун сунъий яратилган тасвиirlарнинг мантиқий кетма-кетлиги анимацияни ифодалайди. Видео анимациядан фарқли равишда видео камера орқали олинган тасвиirlар кетма-кетлигидан хосил қилинади. Анимация учун эса хар бир кадр алоҳида яратилади ва харакат имитация қилинади.



Анимация хосил қилиш технологияларига ротонусхалашни мисол қилишимиз мүмкін. Бунда ҳар бир кадр алоҳида чизиб олинади ва тасвирга олинади. Бу технология "харакатни езиб олиш" деб хам аталади.



Анимация турлари:

- **Чизилган анимация** - анимациянинг бир кўриниши бўлиб, ҳар бир кадр алоҳида чизилади.
- **Қумли анимация** ёки кукун техникаси (ингл. Sand animation, Powder animation) — тасвирий санъатнинг бир йуналиши хисобланиб, мультиплекция яратишда хам қулланилади.
- **Пластилинили анимация** (ингл. clay animation) Анимация ҳар бир кадрни алоҳида яратиш оркали хосил қилинади.
- **Силуэтли анимация** - ясси фигуralар қирқмалари қўлланилади (фигуralар коғоз, мато, ва бошқа материаллардан қирқиб олиш натижасида хосил қилинади)
- **Компьютерли анимация** - ҳозирги кунда компьютерли анимация анимация яратишда энг қулай ва замонавий технология хисобланади.

Аудиотизим – бу аналогли ёки рақамли аудиосигналларни ёзиш, қайта ишлаш учун қўлланиладиган аппарат воситалар йиғиндиси хисобланади.

Аудиотизимнинг ташкил этувчилари қуйидагилардан иборат:

- аудиодаптер (товуш картаси);
- акустик тизим (кучайтиргичлар, динамиклар, наушниклар);
- микрофон.



Товуш тизимлари қуйидаги масалаларни ҳал қилишга мүлжалланган дастурий ва аппарат воситалардир:

1. Ташқи қурилмалардан олинган товуш сигналларини ёзиш.
2. Ташқи акустик системалар ва наушниклар ёрдамида олдиндан киритилган товуш сигналларини эшиттиради.
3. Ёзиш ёки эшиттириш жараёнида бир неча манбадан олинган сигналларни микшерлайди, яъни аралаштиради.
4. Бир вақтнинг ўзида товуш сигналларини ҳам ёзди, ҳам эшиттиради.
5. Товуш сигналларини қайта ишлайди, яъни таҳирлайди сигнал фрагментларини қўшади ёки бўлади, фильтрлайди, унинг сатҳини ўзгартиради
6. Эшиттириш синтезатори ёрдамида ҳар хил мусиқа асбобларини овозини, ҳамда инсон нутқини ва бошқа товушларни ўхшатишни бошқаради.
7. Ташқи мусиқа асбобларини ишини бошқаради.
8. Микрофон ёрдамида матнларни киритиш операцияларини бошқариш.

1. Видеотизимлар.

Компьютер видеотизими қуйидаги компоненталардан ташкил топади:

- монитор (дисплей) (Фойдаланувчи билан компьютер орасидаги ахборот алмашинувини монитор таъминлаб беради. Мониторлар ахборотни чиқарувчи қурилма ҳисобланади.);
- видеоадаптер (Видеоадаптернинг асосий вазифаси ШКнинг ичida айланиб юрувчи рақамли сигнални аналог сигналга айлантириб, мониторга узатиб беришдир)
- дастурий таъминот (видеотизим драйвер).

Мультимедиали объектлар катта хажмга эга, шунинг учун хам мультимедиа технологияларида ахборотни сиқишиш алгоритми мұхим үрин тутади. Видеосигналлар хар доим жуда күп ортиқча ахбороттаға эга, шунинг учун сиқишиш жараёни үтказиш йўлаги кенглигини 200, 100 ёки хеч бўлмаганда 10 баробар қисқартириш имконини беради.

Сиқишиш воситаларини комбинациялаш ва интеграллаш мумкин бўлиши учун стандартлар керак.

Охирги вақтда бундай стандартлар пайдо бўла бошлади ва бозор бу стандартлар талабига жавоб берадиган даражадаги аппарат ва дастурий таъминотлар билан тўлиб боряпти.

Видео формат файли видео файл структурасини, яъни файл ташувчиларда қандай кўринишда сақланишини аниқлаб беради. Одатда форматлар турли кенгайтмаларда акс этади (*.avi, *.mpg, *.mov ва бошк.).

Компьютерли рақамли видео рақамли тасвиirlар кетма-кетлиги ва товуш билан биргаликдаги кўринишида бўлади.

Видеосигнални аналогли кўринишдан рақамли кўринишга үтказиш аудиосигнални аналогли кўринишдан рақамли кўринишга үтказиш жараёнидагидек уч босқичда амалга оширилади:

1. дискретлаш: аналог кўринишдаги видеоқаторни дискретлаш;
2. квантлаш;
3. кодлаш.

1.3. Мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти.

Фойдаланувчи турли кўринишдаги мультимидали ахборотни рақамли электрон қурилма орқали мультимидаининг “Фойдаланувчи интерфейс” орқали кўриши мумкин. Умуман олганда, мультимида – бу ахборотнинг яхшиланган кўриниши ҳисобланади. Мультимидали ахборот тўғри яратилиши натижасида унинг мазмуни ва фойдалилиги янада ортади.

Тижоратда мультимида

Тижоратда мультимида тақдимот, ўрганиш, маркетинг, реклама, маҳсулотлар тақдимоти, имитация, маълумотлар омбори, тезкор ҳабарларни жўнатиш ва қабул қилиш, шунингдек тармоқ коммуникацияси сифатида кўлланилади. Овозли хабар ва видеоконференциялар локал ва глобал тармоқларда (LAN ва WAN) интернет-протоколлар орқали амалга оширилади².

Тижорат йўлидаги анжуманларда оддий нутқ шаклидаги маъруза ўрнига мультимидали тақдимот омманинг эътиборини кўпроқ жалб қиласи.

Ҳозирги кунда тақдимот яратадиган дастурый воситалар матн билан бир қаторда тасвир, аудио ва видео ахборотлар билан бойитиш, слайд-шоу шаклида намойиш қилиш имконияти мавжуд.

Мультимедиа ўкув жараёнида кенг қўлланилади. Учувчилик соҳасида хавфсизлик ўкув ўргатувчи машқлар моделлаштириш асосида амалга оширилади. Тартибни саклаш органларида мумкин бўлмаган модда ва жиҳозларни ўрганиш жараёнлари интеактив видео ва расмлар орқали амалга оширилади. Тиббиёт ходимлари ва ветеринарлар жарроҳлик ишларини ўрганишда мултимидали моделлаштириш натижасида амалга оширадилар. Механиклар двигателларни созлаш ишларини ўрганишда, тижорат ходимлари тижорат қилиш сабоқларини ва маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни олишлари мумкин.

Ҳозирги кунга келиб иш жойларда мультимедиа кенг қўлланилмоқда. Ҳодимнинг қиёфасини таниб олиш, идентификациялаш, маълумотлар базасидан шахсий маълумотларини олиш, электрон тиббий картасини шакллантириш, видео аннотация яратиш, жорий вақтда телеконференция ишларини амалга ошириш мумкин. Электрон ҳабар ва видеоконференция орқали керакли ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини яратади. Йўлда мультимидали маҳсулотлар тақдимоти учун юқори сифатли портатив компьютерлар ва проекторларларнинг борлиги ҳозирги кунда оддий ҳолга айланмоқда. Bluetooth ва Wi-Fi технология билан ишлайдиган мобил алоқа воситалари ва шахсий рақамли ёрдамчи воситалар (PDA) тижоратдаги алоқа ва бошқа имкониятларни янада кенгайтиради.

Тижорат корхона ва компаниялар мультимедиа кучи билан фойда олаётган эканлар, мультимедиа маҳсулотларини ўрнатиш ва яратиш сарф харажати камаяди. Бу эса ўз навбатида корхона иш фаолиятни самарали бўлишини таъминлайди.

Таълим мультимедианинг энг кўп ишлатиладиган соҳаси хисобланади. Кўшма Штатларининг ахборот технологиялари етарлича таъминланмаган жойлари кўп. Шундай экан, бундай жойларга барчага самара келтирувчи кўп йиллик муддатга жалб қилиш лозим. АҚШ ҳукумати ҳар бир аудиторияни, кутубхонани, тиббий муассасаларни, касалхоналарни, бир ахборот супермагистралига улаш мақсадида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги кунда кўпгина мактаблар ва кутубхоналар бир тармоққа (eRate) уланган. Бундан ташқари округлардаги кам даромадли қишлоқ ва шаҳарларнинг мактаблари давлат томонидан қўллаб қувватланади.

Tintinalli's Online Features

Videos of Procedures

Flash Player 8 or higher required ([Get Flash](#))

 **Dix-Hallpike Maneuver**
(4 min 55 sec)
[Play Video](#)

 **Epley Maneuver**
(3 min 52 sec)
[Play Video](#)

 **Ultrasound: Basilic Vein Cannulation**
(5 min 17 sec)
[Play Video](#)

 **The Knee Exam**
(10 min 52 sec)
[Play Video](#)

 **Lumbar Puncture Decubitus Position**
(10 min 11 sec)
[Play Video](#)

 **NIH Stroke Scale**
(18 min 3 sec)
[Play Video](#)

Расм 1.3. Мультимедиали электрон ўқитиши ўқитувчи ва ўқувчи учун кучли, қулай ва самарали восита ҳисобланади. Тезкор тиббий ёрдам: www.accessmedicine.com.

Мультимедиа ўқув жараёнида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда, натижада ўқитишининг анъанавий усулларидан ташқари усуллар ҳам мавжудлиги намоён бўлди. Анъанавий пассив ўқитиши усулларидан иборат модел актив-ўқитиши модели билан алмаштирилди. Баъзи ҳолларда ўқитувчилар йўналтирувчи вазифасини бажариши керак бўлмоқда. Бундай ўқиш ва ўрганиш жараёни асосини ўқитувчи ўрнига ўқувчи ташкил қиласи. Электрон ўқитиши ўқитиши жараёнининг кучли сиёсати бўлиб, ўқитувчилар анъанавий ўқитиши усулларини ўрнини босади демай, балки “бойитилган” кўриниши деб атадилар.

1.3-расмда тезкор тиббий ёрдам соҳаси

мутахассисларини ўқитишда қўлланиладиган ўргатувчи видеолар мажмуаси келтирилган. Бундай онлайн электрон ўқитиш иловалари клиник

¹ Tay Vaughan, Multimedia: Making It Work, 8th Edition, 2011(4).

жараёнларни ўрганишда самарали ва тежамкор усул ҳисобланади. Тиббиётда таълим жараёнида ўқитишининг самарали кўриниши сифатида мультимедиа эхокардиографик тасвирлар жорий вақтда кимёвий жараённи тушунтиришда қўлланилади.

Мактабларда мультимедиа ўқувчилар томонидан ҳам фойдаланиладиган кўринишларидан, булар: интерактив журналлар, ахборотномалар, шахсий мультимедиа иловаларини яратиш ва ҳ.к. Ўқувчилар ўзларининг ўқув жараёнлари ҳақида видеолавҳаларини яратишлари, ва YouTube га жойлаштиришлари мумкин. Бундан ташқари ўз веб-саҳифаларини яратишлари ва интернет тармоғига жойлаштиришлари мумкин.

ITV (Interactive TV) орқали турли макондаги ўқувчилар ва ўқитувчи бир аудиторияга жамланиши мумкин. Мактабларнинг интернетдаги шаклида турли мамлакатлардан, маконлардан йиғилган ўқувчиларни ўзаро мулоқотини ўрнатиш, улар учун қулай шароитни яратиш, шу билан бир қаторда ўқитувчи дам олиш масканларида алоқа воситалари орқали мулоқотга киришиши мумкин. Масалан, Washington On Line (www.waol.org) талабалар учун қулай ўқиш жараёнини яратди. Бунда талабалар газ, электр энергияси учун, транспорт харажатидан мустасно бўладилар, шу билан бир қаторда ўқитувчиларга ўз виртуал синфларини Интернетда қулай тақдим этишлари ўргатилади³.

Боғдорчилик, пазандачилик, уй дизайнни, қайта жиҳозлаш, ва х.к. ишларида ёрдамчи мультимедиа уйга ҳам кириб келди. Энг оддий кўриниши мультиедиа уйда телевизор шаклида мавжуд.



Расм 1.4. Генеалогия иловаси (Leister Productions томонидан яратилган авлодлар шажараси. Бу иловада матн, аудио ва видео клиплар жойлаштириш мумкин.

Виртуал борлик

Мультимедианинг ижодий

махсулоти виртуал борлик VR хисобланади. Махсус кўзойнак, шлем, махсус кўлқопла ва ғаройиб интерфейс Сизни виртуал борликка “олиб киради”. Бир қадам олдинга юрсангиз, тасвир яқинлашади, бошингизни бурганда тасвир ҳам мос равишда бурилади. Кўлингизни узатсангиз, тасвирдаги қўл ҳам биргаликда харакатланади.

Виртуал борлик тизимлари реалистик бўлиши учун кучли хисоблаш воситалари керак бўлади. Виртуал борлик – бу компьютерда яратилган З ўлчовли муҳит бўлиб, муҳит ва фойдаланувчи орасидаги ўзаро мулоқотни ўрнатиб берувчи модель ҳисобланади. Виртуал борлик технологияларининг техник асоси компьютер моделлаштириш орқали харакат имитациясини яратиш асосида З ўлчовли тасвиirlар билан бирга виртуал майдонда реал харакат қилишига имкон яратади.

Виртуал борлик моделини ишга тушириш учун камида сичқонча ёки джойстик, мураккаб тузилган кўринишларида эса фойдаланувчининг HMD экранга эга ёки стереоскопик кўзойнак ва ВБда тактил муносабатини ўрнатиш учун “ракамли қўлқоп” ёки махсус сичқонча бўлиши лозим.

ВБ моделини асосий хусусияти – бу фойдаланувчининг ВБ даги мавжудлигини яратиб бериши хисобланади. Бу масофада мавжудлик

дайилади. Бунда фойдаланувчининг ВБ даги аниқ ҳаракат қила олиши, виртуал 3 ўлчовли мухит билан муомала қилиш қобилияти билан баҳоланади.

1960 йиллар охирларида М.Крюгер томонидан “Сунъий борлик” атамаси киритилган, 1980 йиллар ўрталарида Ж.Ланер томонидан «VPL Рисерч» фирмаси учун “рақамли қўлқоп” яратилган ва “виртуал борлик” атамаси пайдо бўлди.

Виртуал борлик хали ривожланиш жараёнида бўлиб, ундан ҳозирги кунда машқ қилиш учун тренажерлар сифатида ишлатилади. Шу билан бир қаторда медицина ва архитектурада кенг имкониятлар яратиб келмоқда.

2-боб. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг ўқув, методик, техник ва дастурий таъминоти.

2.1. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг ўқув-услубий таъминоти.

Талим ва ўқитиш соҳаларида мультимедианинг қўлланиши (Computer Based Training -CBT) шахсий фойдаланиш ҳамда бизнес ишларини йўлга кўйиш учун мўлжалланган. Мультимедиани ушбу соҳаларда қўллаш кўлами кундан-кунга янада ортиб бормоқда. Чунки юқори касбий малакани таъминловчи билим ҳар доим тез ўзгариб туради. Бугунги ўсиш даражаси, айниқса, техника соҳасида доимий янгиланишни талаб қиласди. Шу боис рақобатга асосланган корхона ўз фаолиятида анча мосланувчан бўлиши лозим. Бу оддий ходимлар учун ҳам, раҳбарлар учун ҳам бирдай ҳаққоний йўл. Компьютерлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш учун маълум тизим керак, лекин бундай тизимни ишлаб чиқариш учун бунга ихтисослашган фирмага буюртма бериш керак. Шу кунга қадар компьютерлар ёрдамида ўргатиш ходимни ўқитиш ва малакасини ошириш учун нисбатан ишлаб чиқариш соҳасида кўпроқ қўлланилар эди. Opel фирмаси ходимлари жамоа бўлиб ўқитишнинг янги усулини илгари сурмоқдалар. IBM фирмаси ҳам локал тармоқлар ишини намойиш қилиш учун компьютерлардан фойдаланилган ҳолда ўқитиш усулини қўлламоқда. 70-йилларда ўқитиш учун илк бор компьютерлардан фойдаланиш анча самарасиз бўлди. Чунки ўша пайтлардаги техниковий ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш сифати унча юқори бўлмаган. Бундан ташқари, дастурлар етарли даражада мосланувчан эмас эди. Бугунги кунда эса ўқитиш дастурлари шундай тузилганки, фойдаланувчи ўқитишнинг турли вариантларидан фойдаланиши мумкин. Яъни, у ўқув материалини ўзлаштириш давомида ўқитиш тезлигини, материал ҳажмини ва унинг мураккаблик даражасини ўзи белгилайди. Кўпгина тадқиқотлар компьютерлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш тизимининг муваффақиятларини эътироф этмоқда. Эски анъанавий таълим усуллари билан объектив таққослаш жуда қийин, аммо, мультимедиа базасида ўзгарувчи интерактив дастур билан ишлашга эътибор икки баравар кучайди. Аниқ бир материални ўрганиш учун вақтни

тежаш анъанавий таълим усулларига нисбатан ўртача 40% ни ташкил қиляпти, ўзлаштирилган билим эса хотирада анча узоқ сақланади. Маркетинг бўйича эксперталар аллақачон (ўқиш тизимида мультимедиа иловаси пайдо бўлмасдан аввал) кўп мартали тажрибаларида ўқиш услуби билан ўзгартирилган материални хотирада тиклаш (эслаш) ўртасида кучли алоқа борлигини исботлашган. Масалан, эшигидан материалнинг фақат тўртдан бир қисмигина хотирада қолади. Агар ўқувчи ушбу материални кўриш орқали ўзлаштириш имконига эга бўлса, хотирада қолган материал ҳажми ўттиз фоизга кўпаяди. Мабодо, ҳам кўриш, ҳам эшиги орқали материал ўзлаштирилса унинг 50 фоизи хотирада қолар экан, агар ўқувчи ўрганиш жараёнида фаол ҳаракат қилишга жалб этилса, масалан, мультимедиа иловаси каби нтерактив ўқитиш дастури ёрдамидан фойдаланилса, ўзлаштириш ҳажми 75% ни ташкил қилади. Биз бу ерда ҳатто тахминий рақамли маълумотларни келтириш қийинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки турли тадқиқотларда бу борада турли натижалар келтирилади. Тажриба натижаларининг ҳар хил бўлиши тажриба хulosаларини нотўғри чиқаришдагина эмас, балки турли параметрларга ҳам боғлиқ. Яъни, ўзлаштириш, эслаб қолиш қобилияти бир хил бўлган кишилардан иборат иккита гурӯҳни топиш мумкин эмас. Шу боис бу мавзуда бундан буён келтириладиган маълумотлар ўртача нисбатда олинганилигига эътибор беринг. Ўз ходимларининг малакасини ошириш учун ҳар йили ўқишга маълум бир молиявий маблагф ажратувчи йирик фирмаларнинг юқорида айтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда анча йирик мағлабни иқтисод қилишлари мумкин. Масалан, DEC фирмаси ўқитиш ва қайта ўқитишдаги харажатларни компьютер технологиясидан фойдаланган ҳолда 40 млн. долларга иқтисод қилди. Билим олишдаги бундай усулга қуйидагилар сабабчи:

ўрганилаётган материални чуқурроқ ва яхшироқ тушуниш;

ўқувчини янги илм соҳаси билан алоқага киришига ишонтириш;

ўқитиши вақтини сезиларли даражада қисқартириш ҳисобига вақтни тежаш;

ўзлаштирилган билим хотирада узок өткізу қолади ва амалиётда қўллаш лозим бўлганда қисқача тақорланса тезда эсга келади.

Мультимедиа бозори билан шуғулланувчи Швейцариянинг Prognos институтининг тадқиқотларига кўра, яқин келажақда корхоналарда мультимедиалар жуда кенг қўлланила бошланади. Тўғри, аппарат воситаларининг нархи тушиб бормоқда, лекин ҳисоблаш техникаси тизими (ХТТ)дан фойдаланиб, ўқитиши тизимини жорий этиш харажатлари анча ўсиб бормоқда. Битта ўқув дастурининг бир соатлик ўқув вақтини яратишга, одатда, дастурловчининг 200-250 иш соати кетади. Дастурларни яратиш учун асбоб-ускуна воситаларининг сифати яхшилангани ва имконияти кенгайтирилганига қарамай, ўқув дастурини яратиш харажатлари кўпайиб бормоқда. Чунки дастур интерфейсига нисбатан талаблар кучаймоқда, шунингдек, мультимедианинг янги ва янги элементларини дастурларга киритишга тўғри келяпти. Албатта, муваффақиятга эришиш маълум маънода қўйилган мақсадга ҳам боғлиқ. Агар биз амалий фаолият усулларини янгилашдан келиб чиқадиган бўлсак, мультимедианинг интерактив дастуридан фойдаланган ҳолда ўқитиши услубини келажақда катта зафарлар кутмоқда. Яна бир камчилик шундан иборатки, ҳисоблаш техникаси тизимидан фойдаланиб ўқитиши тизимини яратишга бўлган буюртма учинчи томоннинг ахборот ва ишлаб чиқариш сирларини очиш билан боғлиқ. Бунда шуни унутмаслик керакки, бундай мультимедиа иловалари истеъмол бозорида манфаат предмети бўлиб қолади ва бу манфаат зарур қурилмалар нархининг доимий тушиши билан боғлиқ. Lotus фирмасида, масалан, мультимедиа элементларига эга бўлган ўқитиши дастури жойлаштирилган компакт дисклар мавжуд.

Мультимедиа- тизимлар ҳозирги пайтда таълим ва касбга тайёрлаш соҳасида, нашриёт фаолиятида (электрон китоблар), бизнесни компьютерлаштириш учун (реклама, мижозларга хизмат кўрсатиш), ахборот марказларида (кутубхона, музей) ва ҳоказоларда муваффақиятли кўлланилмоқда.

Билимларни чуқирлаштиришда, ўқитиш муддатини қисқартиришда ва бир ўқитувчига тингловчилар сонини оширишга имкон берувчи компьютерли дарс берувчи мультимедиа тизимлар алоҳида ўрин эгаллайди. Компьютерли дарс бериш тизимлари ахборот изчил равишда тақдим этиладиган видеокассетадаги курсларга қиёслаганда кучли тармоқ имкониятларига эга ва тингловчиларни қизиқтирган мавзуга тўғридан-тўғри уланишга имкон беради. Бундан ташқари, мазкур тизимлар билимларни ўзлаштириш ва кўникмаларга эга бўлиш жараёнларини баҳолаш ва назорат қилишнинг самарали воситалари билан жиҳозланган.

CD-ROM русумидаги катта ҳажмли унча қиммат бўлмаган хотира-қурилмаларнинг мавжудлиги туфайли электрон китобларнинг пайдо бўлиши мумкин бўлди. **Электрон китоб** атамаси саҳифалари дисплей экранида тасвирланадиган янги русумдаги китобни англатади. Бошқача айтганда, бу ахборот интерактив тизими фойдаланувчи (ўқувчи) учун саҳифама-саҳифа ташкил этилган ахборотга киришни таъминлайди.

Электрон китоб саҳифаларидаги ахборот уч хил бўлиши мумкин: эстетик (китобнинг "ёқимли" кўринишини белгиловчи ва унинг ўқувчига таъсирини кучайтирувчи), ахборот (китоб мазмунини очиб борувчи) ва назорат (пиктограмма, икона, диалогли дарчалар, динамик меню ва ҳоказолар кўринишида тақдим этилган материал).

Электрон китобларни тўрт синфга: **қомусий, ахборот, ўқитувчи ва имтиҳон** олувчиларга бўлиш мумкин. Электрон китобларнинг биринчи хили муаяйн мавзу бўйича улкан ҳажмдаги ахборотни ўзида сақлайди. Crolier Encyclopedia, Comptons Multi media Encyclopedia, Microsoft Bookshelf ва

бошқа шу каби машҳур маҳсулотлар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Электрон китобнинг иккинчи хили биринчисига ўхшамайди, бироқ бу китобларда сақланувчи ахборот унчалик кенг эмас ва мақсадга йўналтирилган хусусиятга эга. Масаланлг, Oxford Textbook of Medicine on Compact Disk, Elsevier, s Aktive Library on Corrosion ва бошқалар. Учинчи хил электрон китоблар амалиётда кўп тарқалган ва таълим жараёнида, болалар боғчаларида (масалан, Broderburd,s Living Book) ҳамда ўқишдан кейинги малака ошириш курсларида фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур китоблар бадиий асарларни ўзида сақлаши мумкин (масалан, Herman Melville,s Moby Dick, Gustave Flaubert,s Madame Bovary, Michael Crichton,s Jurassic Park, Adam Hitchhiker ,s Guide to Galaxy). Тўртинчи хил китобларда уч муҳим компонент: масалалар (вазифалар) банки, тестлаш ва жавоблар модули, таҳлил ва баҳолаш учун ўқувчи жавобларидан фойдаланувчи эксперт тизими мавжуд.

Юқорида келтирилган электрон китоблар таснифи ягона эмас. Масалан, электрон китобларда сақланувчи ахборот тури: матнли китоблар, статик расмлар, берилган китоблар, ҳаракатланувчи расмли китоблар, "тапирадиган" китоблар, мультимедиа- китоблар, гипермедиа- китоблар, телемедиа- китоблар ва кибернетик китобларга кўра тасниф қилиш таклиф этилган эди. Афтидан, фақат келтирилган тушунчалардан айримларигина қўшимча шарҳлашга муҳтоҷ.

Мультимедиа- китоблар битта ташувчida (CD-ROM ёки магнит дискда) ёзилган ва бир чизиқда (тўғри) ташкил қилинган, яъни зарур ахборот изчил равишда акс эттирилган матн аудио, статик тасвир ва видеодан фойдаланилади.

Полимедиа- китобларда, аввалгилардан фарқли равишда ўқувчи ахборотни тақдим этиш учун бир неча турли ташувчилар (CD-ROM, магнитли диск, қофоз ва бошқалар) комбинациясидан фойдаланилади.

Гипермедиа- китоблар, мультимедиа китоблар билан кўп

умумийликка эга бўлса-да, ўзидаги ахборотнинг нотекис ташкил этилиши билан фарқланади, масалан, ўқувчи "сичқон" ёрдамида асосий материални бир четга қўйиб, контекст ва фойдаланилаётган усул бўйича атама ва тушунчалар тизимиға тузатишлар, шарҳлар сўраши мумкин.

Интеллектуал- китоблар маъноси жиҳатидан илгари киритилган имтиҳон оловчи китобларга яқин ва ўқувчи қобилятларига у билан мулоқот жараёнида жадал мослашиши мумкин. Сўнгги икки китобнинг истиқболи ҳам қизиқлиги шубҳасиздир.

Телемедиа-китоблар масофадан туриб ўқитадиган тақсимловчи интерактив тизимни қўллаб-куватлаш учун телекоммуникация имкониятларидан фойдаланади.

Кибернетик-китоблар ҳам математик моделлаш воситаларини ўзида сақлайди ва шу боис баён этилган ҳодисалар ва объектларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш имкониятини ўқувчига тақдим этади.

Бундай катта миқдордаги амалий мультимедиа- тизимлар орасида Learning English in Multimedia ўқитувчи тизимини ажратиб кўрсатиши мумкин. У бошловчилар учун инглиз тилини ўқитиш мақсадларига мўлжалланган ҳамда IFAP/ IRI (Италия) фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Курс модул принципи бўйича қурилган, ҳар бир модул у ёки бу ҳаётий вазиятга мувофиқ келади. Кўриб чиқилаётган ҳолатлар ва уларга мувофиқ келувчи ҳатти-харакатлар учун тегишли сўз, тушунча, жумла ва гаплар киритилади. Шундай қилиб, тингловчилар ўз луғат бойлигини тўлдиради, грамматика ва синтаксис қоидаларини ўрганади.

Компьютер дастури ёрдамида ўқитиш, оғзаки нутқни тинглаш ва талаффузни назорат этиш учун видеокассета ва аудиокассетадан, шунингдек, грамматика қоидалари берилган икки ўқув қўлланмасидан фойдаланилган ҳолда тўлдирилади. Ўз-ўзини назорат қилишнинг бундай усули ўқитиш жараёни самарадорлигини оширади.

2.2. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг техник таъминоти.

Технологиянинг ривожланиши билан техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш учун биргина компьютернинг мавжудлиги кифоя бўлиб қолди. Авваллари телевизор, видеомагнитофон, кинопроектор, диапроектор ва бошқалар бажарган функцияларни компьютер муваффақият билан ўз зиммасига олди. Қолаверса, ахборотни узатиш, сақлаш, тасвирлаш сифати сезиларли даражада ортди.

Ҳозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгисига айланиб улгурди, келажакда эса у ҳар бир инсонга қаерда, қайси участкада ишламасин заруратга айланади. Демак, компьютер иши, компьютердан фойдаланишга ўргатиш энг яқин вақт ичидаги умумий ишга айланиши шубҳасиз.

Замонавий ахборот технологияларининг воситалари қаторига: компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интранет тармоқлари, мобиль алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интелект тизимларини киритиш мумкин.

Ахборот технологияси воситалари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурний таъминоти;
- ускунавий дастурний таъминот;

- виртуал матн конструкторлари, мультиликациялар, мусиқалар, физик моделлар, географик ҳариталар, экран процессорлари ва х.к.;
- ахборотлар мажмуюи — маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва х.к.;
- техник кўнижмалар тренажёрлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва х.к.).

Ахборот технологиялари воситаларининг марказида турувчиси компьютердир.

Ҳозирги кунда **компьютерлар** таълим тизимида асосан тўрт йўналишда:

- ўрганиш обьекти сифатида;
- ўқитишинг техник воситалари сифатида;
- таълимни бошқаришда;
- илмий-педагогик изланишларда фойдаланилмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнида компьютерлар асосан тўрт тартибда:

- *пассив қўллаш* – компьютер оддий ҳисоблагич каби;
- *реактив мулоқат* – компьютер имтиҳон оловчи сифатида;
- *фаол мулоқат* – компьютер талабага йўл – йўриқ бериш ва имтиҳон олишда;
- *интерфаол мулоқат* – компьютер сунъий интеллект сифатида, яъни талаба билан мулоқат қилишда фойдаланилади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- фан соҳаларини ахборотлаштиришни;
- ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни;
- интеграция жараёнларини чуқурлаштиришни;
- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизmlарини такомиллаштиришга олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш:

- масоғавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилар, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;
- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;
- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

- талабага касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;
- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишини ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Портал – бу фойдаланувчига ахборотларни оддий навигация ва кенг кўламли қулай интерфейс орқали етказиш учун турли ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация тармоғи тугуни бўлиб, у:

- кўп сонли фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиши;
- ахборотлар кўламининг кенглиги;
- асосий тармоқ форматларини қўллаши;
- осон ва самарали қидириш тизимининг жорий этилиши;
- ахборот ресурслари интеграцияси;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаши;
- ахборотларни табақалаштириши;
- билимларни бошқариш-таҳлил этиши билан тавсифланади.

Мультимедиа-гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуйидагилар киради: ахборотнинг хилма-хил турлари: аньанавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация ва бошқалар) турларини бир дастурий маҳсулотда интеграциялади. Бундай интеграция ахборотни рўйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари: микрофон, аудио-тизимлар, оптик компакт-дисклар, телевизор, видеомагнитофон, видеокамера, электрон мусиқий асбоблардан фойдаланилган ҳолда компьютер бошқарувида бажарилади;

Муайян вақтдаги иш, ўз табиатига кўра статик бўлган матн ва графикадан фарқли равишда, аудио ва видеосигналлар фақат вақтнинг маълум оралиғида кўриб чиқилади. Видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қобилияти, оператив (тезкор) ва видео-хотира, катта сифимли ташқи хотира (оммавий хотира), ҳажм ва компьютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашуви

тезлигини тахминан икки баравар оширилиши талаб этилади; "инсон-компьютер" интерактив мулоқотининг янги даражаси, бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладики,

мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Мультимедиа- бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, мант, графика ва анимация (объектларининг фазодаги ҳаракати) эфектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш қўидаги афзалликларга эга:

- А) берилаётган материалларни чукурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш имконияти бор;
- Б) таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;
- В) таълим олиш вақтининг қисқариш натижасида, вақтни тежаш, имкониятига эришиш;
- Г) олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади. Замонавий компьютер технологияларидан ўқувчиларга таълим бериш ва қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш, келажакда етук ва юқори малакали мутахассисларни камол топтиради.

Дистант услуги асосида ўқувчиларни ўқитиш ҳозирги куннинг энг ривожланиб бораётган йўналишларидан бўлиб, ўқитувчи билан ўқувчилар маълум бир масофада жойлашган ҳолда таълим бериш тизимиdir.

Дистант услуги асосида ўқитиш қуйидаги технологияларни ўз ичига олади:

Интерактив технологиялар:

- аудиоконференциялар (audioconferencing);
- видеоконференциялар (videoconferencing);
- иш столидаги видеоконференциялар (desktop videoconferencing);
- электрон конференциялар (e-mail, on-line servikes);
- овоз коммуникациялари (voice mail);
- икки томонлама спутник алоқа;
- виртуал борлық (virtual reality);

Ноинтерактив технологиялар:

- босиб чиқарылған материаллар;
- аудиокассеталар;
- видеокассеталар;
- бир томонлама спутник алоқа;
- телевизион ва радио күрсатувлари;
- дискета ва CD- ROMлар.

Дистант услубининг қуйидаги афзалликлари мавжуддир:

- A) ўқитишнинг ижодий муҳити.** Мавжуд күпгина услублар асосида ўқитувчи илм толибини ўқитади, ўқувчи эса фақат берилған материални ўқыйди.
- Б) мустақил таълим олишнинг имконияти борлиги.** Дистант услуги асосида таълим бериш- бошланғич, ўрта, университет, малака ошириш босқичларини ўз ичига олади.
- В) иш жойидаги катар ўзгаришлар.** Дистант услуги асосида таълим бериш тури миллионлаб инсонларга, ҳаммадан ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмасдан таълим олаётганлар учун, қулай шароит яратыб беради.
- Г) ўқитиш ва таълим олишнинг янги ва унумли воситаси.** Статистик маълумотлар шуни күрсатмоқдаки, дистант услуги асосида таълим бериш,

ишлиб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш каби унумлидир. Ҳозирги кунда тўғридан-тўғри ИНТЕРНЕТ тармоғига кириш хизмати дистант услуби асосида таълим бериш учун электрон почталар, компьютер конференциялари ва маълумотларнинг электрон базасида фойдаланилади. Ахборотлашган тезкор каналнинг ривожланиши янги гипермедиа тизимини бериб, у ўз ичида ИНТЕРНЕТ тармоғига киришнинг учта асосий хизматини мужассамлаштиради ва фойдаланувчининг интерфейсини (мулоқоти) янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Малтикаст технологияларининг, конференция воситаларининг ва мультимедиа компьютерларининг мавжудлиги ИНТЕРНЕТ тармоғи орқали видеоконференцияларни йўлга қўйишга имконият беради. Шундай қилиб, бундай гигант ахборотлашган тармоқ ўқувчиларнинг дистант услуби асосида замонавий билим олишлари учун вақти ёки қаерда турганлигига қарамасдан кенг шароит яратиб беради.

Видео ва аудио ахбороти билан ишлашнинг зарурияти маълумотларининг катта ҳажми ва уларни узатишнинг юқори тезлиги билан боғлиқ кўплаб муаммоларни юзага келтирди. Бу, аудио-видео ахборотнинг технологияларини ривожлантириш ва катта сифимдаги жамғарувчиларнинг янги намуналарини яратишнинг бошланиши бўлади.

Мультимедиа учун замонавий CD-ROM технологиялар тақдимномаси илк марта 1919 - йили Сиэтлдаги конференцияда (Second Microsoft CD-ROM Conference) бўлиб ўтди ва бу сана видео ва аудиоахборотли тўлақонли мультимедианинг пайдо бўлишининг бошланиши деб ҳисобланади.

Мультимедиа таркиб топишининг бундан кейинги қадами CD-I технологияси (Compast Disk Interaktive- интерактив видеодисклар) бўлади, улар компьютер ёрдамида лазерли видео- мурватни бошқариш йўли билан компакт дискдан ахборотни ихтиёрий танлашни ташкил этишга имкон беради.

видеотизимнинг асоси бўлган ихтисослашган микропроцессор туркуми. Охирги пайтларда булардан ҳам замонавийлари бозорда таклиф қилинмоқда;

драйверлар (Video Driver, Audio Driver ва VRAM Driver ва CD-ROM Driver) ва алоҳида кичик тизимлар даражасидаги дастурий интерфейс:

галма-гал пайдо бўлувчи аудио ва видео ахборот сақловчи, маълумотларни CD-ROM жамғарувчисидан фойдаланилганда тезлиги бир текислигини таъминловчи маҳсус шаклли файллар;

субъектив қабул қилишга йўналтирилган ва баъзи йўқотиш ёки бузиб кўрсатишларга йўл қўювчи ахборотнинг турли намуналарини тиклаш алгоритмлари.

Компьютерларда графикли ва овозли файлларни сақлаш учун CD-ROM дисководларининг қўлланилиши компьютер тизими унумдорлигига нисбатан маълум талабларни кўндаланг қилиб қўйди. CD-ROM дисководида аудио ахборотни ёзиш ва уни аудиоадаптер орқали киритиш ҳам чиқариш- бу мультимедиа (MPC) учун мўлжалланган шахсий компьютерга эга бўлиши керак бўлган иккита мажбурий шартdir.

CD-ROM ахборот тўплагичи

Грампластиналарга альтернатив сифатида яратилган оптик компакт дисклар (CD ROM -compact disk read) бу турдаги ахборот ташувчиларни қўллашнинг янги имкониятларини очиб берди. Ҳозирда компакт диск проигривателлар майший ва саноат аппаратураларида аудио эшилтиришда кенг қўлланилади.

Эндиликда CD-ROM тўплагичлар шахсий компьютерда ўз ўрнига эга.

Компакт диск-бу ахборот сақлашда қўлланиладиган ШК ҳажми учун стандарт пластик диск. Ахборотлар рақамли код билан кодланади ва дискнинг орқа томонига кўз илғамас кўринишда жойлаштирилади. Бунда диск юзаси билан механик контакт алоқа йўқ. Унинг ишлаш муддати катта, бошқа ахборот сақлаш воситасига қараганда эса нотўғри ишлаш ҳоллари кам.

CD-I технологияси бўйича интерактив мультимедиа ахборотини ташувчилар- бу ҳозирги вақтдаги аудио ва видео-қурилмалардир. Улар мантли ва график ахборотни ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтиради. Бу ҳолатда мазкур турдаги ахборотга мўлжалланган компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

CD-I техник нуқтаи назардан CD-ROM технологиясига асосланган, аммо истеъмол маҳсулоти нуқтаи назаридан у CD-DA технологиясидан фойдаланади.

CD-I технологияси қуидаги имкониятларга эга:

мультимедиа - иловани битта интерактив дискда фойдаланиш. У турли хил воситалар билан таъминланган;

компакт дискларнинг мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш;

дискли тизимларнинг мос келиши.

CD-I технологияси бўйича тайёрланган компакт дисклар қуидаги соҳаларда қўлланилади:

таълим ва тайёрлов (масофадан туриб ўқитиш ва маълумотнома, альбом ва

китоблар ёрдамида мустақил ўқиш);

дам олиш: мусиқа плюс (мусиқа-мантлар, нота, расмлар билан бирга) ҳаракатланувчи ўйинлар, ўйин давомида ўргатиш;

дам олишни ташкил этиш (чизиш ва расм солиш, фильмлар яратиш, шеърлар ёзиш);

саёҳат (хариталар, навигация учун қурилма, сайёҳлик ҳақида ахборот, диагностика ва ҳоказо).

CD-ROM түплагичларини ишлаб чиқувчи мутахассислар нафақат маълумотларни узатиш тезлигини оширишга, шунингдек, киришга кетадиган вақтни қисқартиришга ҳам катта эътибор бермоқда.

Виртуал компакт дискни тайёрлаш- бу қаттиқ дискда компакт диск шарҳини яратишдир. Шахсий компакт дискни яратиш учун маълумотларни шундай ташкил қилиш, қайта тузиш ва қайта индексациялаш керакки, натижада қаттиқ дискда структуралаштирилган маълумотларга мос келсин. Шундан сўнг танланган ҳажмда ёзиш учун файлларни қайта номлаш ва индексациялаш керак бўлади. Маълумотларни тайёрлаган ва оптималлаштиргач, қаттиқ дискда шарҳи ёки виртуал компакт диск олинади. Охирида барча керакли текширувлар ўтказилади ва диск шарҳини яратиш жараёни бошланади.

Ёзиладиган компакт дисклар. Бир неча йил аввал битта компакт дискни ёзиш учун бир хона тўла аппаратура, икки нафар малакали мутахассис ва кўп иш соати талаб қилинар эди. Бугун эса CD-R ёзиш түплагичга эса Macintosh компьютери ёрдамида битта дискни бир соатта ёзиш мумкин.

2.3. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг дастурий таъминоти.

Ахборот асрида фан-техника тараққиёти нақадар юксак босқичга чиқди. Шунга монанд барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Бугун бирор соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш кийин. Жумладан, ёш авлодга таълим-тарбия беришда ҳам у муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Электрон алоқа воситалари, интернет, сунъий йўлдошлар айнан оммавий ахборот воситаларининг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланишига замин яратмоқда.

Газеталар, журналлар, радио, телевидение, фотография, ҳужжатли ва бадий кино, ахборот агентликлари, интернет сон жиҳатдан бекиёс ўсди, сифат жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Компьютер, факс, "уяли" телефон, параболик антенна, электрон почта каби техник мўъжизалар оммавий ахборот воситалари ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда замон талабига мос юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун бекиёс имкониятлар яратилмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ҳисобланмиш – медиадан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан кенг фойдаланиш йўлга кўйилмоқда. Таълим жараёнида медиа, яъни, интернет, телевидение, радио, кино, видео, телефон ва бошқа алоқа воситалари ўз самарасини кўрсатмоқда.

Мутахассислар фикрича, медиатаълим ўқувчини мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини янада ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади. Таълим жараёнида медиатаълим қанчалик мукаммал бўлса, у ёш авлоднинг дунёқарashi, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланишига хизмат қилади. Демак, бугун медиатаълим сирларини назарий жиҳатдан пухта ўрганиб, амалиётда етарли даражада кўллаш мақсадга мувофиқдир. Ахборот коммуникациянинг глобаллашуви шароитида таълим жараёнида ўзига хос талаблар пайдо бўлмоқда. Бу талаблар бевосита медиатаълим билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу катта синфдаги амалий мультимедиа- тизимлариға қуидаги мисолларни (оддийдан мураккабга қараб) көлтириш мүмкін. **Streekvervoer ўқитиши тизими** Bureau Interactive Training нидерланд фирмасы томонидан тайёрланған. Жамоат минтақавий нақлиёт бошқармаси буюртмасига биноан энг қисқа муддатда ҳамда wt минг автобус ва трамвай ҳайдовчиларини Combofoon радиотелефон тизимидан фойдаланишга ўргатиши мақсадида амалга оширилган. “Ўргатувчи бекат” экранни сезгир компьютердан, CDTV овоз чиқаргичдан (проигрователь) ва унга уланган радио-телефонлардан ташкил топған. CDTV ёрдамида аниқ вазиятлар (масалан йўл- нақлиёт ҳодисалари) моделлашади ва тескари алоқа бўйича таълим олувчининг ҳатти-ҳаракатлари шарқловчи овози билан назорат қилинади.

Бошқа радиотелефон тизимиға ўтиш имкониятини таъминлаш учун фирма видеодастур интерфейс платалари ва техник хужжатларини ишлаб чиқди. Сингапурнинг Ngee Ann политехника институти томонидан ишлаб чиқилган COMAPP ўқитиши дастури ўқувчиларга ҳисоблаш техникаси асосларини, яъни компьютер ишлаши принциплари ва уни қўллашни ўргатишга мўлжаллангаан. У Authorware Professional муаллифлик тизими ёрдамида курилган ва турли ўқув мавзуларига тегишли модул тизилмага эга. Унинг бош менюсида қуидаги маълумотлар мавжуд:

- компьютер ўзи нима ?;
- рақамли компьютерлар тарихи;
- компьютерлар таснифи;
- ахборотни тақдим этиш;
- микрочизмаларни ишлаб чиқиш;
- компьютер қандай ишлайди?;
- микропроцессорлар;

дастурдан чиқиш;

муқаддима;

Кўпгина концептуал қоидаларни яхши ўзлаштириш учун кўп жой оладиган сўз баёнлари ўрнига анимация ёрдамида очиб берилади. Дастур CD-ROM да ёзилган ва ўн мингдан зиёд ўкувчи ўқийдиган ушбу институтда кенг фойдаланилади. Thermodynamics ўқитиш дастури ҳам ушбу институтда ишлаб чиқилган бўлиб, бир цилиндрли, двигателни тайёрлаш бўйича лаборатория ишларини бажариш, ёнилғи сарфини ўлчовчи датчик ва ўлчов қалқони ёрдамида зарур ўлчовлар туркумини бажариш, двигатель самарадорлигини белгилаш каби жараёнларга тўлиқ таҳлил қилинади. Масалан, двигателни ишга тушириш жараёнини ўрганишда тингловчиларга видеокассеталар ёрдамида экранда оператор зарур ҳатти-ҳаракатларининг изчилигига ва оқибатлари кўрсатилади:

ёқилғи узатиш кранининг очилиши;

стартер бош тугмасининг босилиши;

динамометр тугмасининг босилиши;

валнинг дақиқасига 220 марта айланиши тезлигининг ўрнатилиши;

энг қуи юкланишнинг ўргатилиши ва ҳоказолар.

Бундай русумдаги тринажерларнинг очиқ-ойдин афзаллиги шундаки, операторнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари фалокат ва қурилмалар шикастланишига олиб келмайди.

Мультимедиа технологиясининг таълим тизимидағи ўрни

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижаларида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлгандагидан даставвал АҚШ да 80-йилларда юзага келиб бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўрната бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади.

Замонавий компьютер дидактик дастурлари (электрон дарслеклар, компьютер топшириқномалари, ўқув қўлланмалари, гиперматнли ахборот-маълумот тизимлари, архивлар, каталоглар, маълумотномалар, энциклопедиялар, синовчи ва шакллантирувчи тренажёр дастурлар) билимларнинг кўп соҳалари кесишувидан келиб чиқсан мультимедия – технологиялари асосида яратилади.

Ранги компьютер анимацияларидан, юқори ишланади. Сифатли графика, видеокатор, схемали, формулали, справочник (ёрдамчи презентациялари)дан фойдаланиш – ўрганилаётган курсни динамик тасвиirlарнинг кетма-кет ёки тармоқланган занжири тарзида намойиш етиш имконини беради. Мультимедиа – тизимлар дидактик материални узатишни юқори даражада қулай ва кўргазмали бўлишини таъминлайди, бу ўрганишга қизиқишни орттириш ва билимлардаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қиласади.

Мультимедиа курслари учун умумий бўлган қуйидаги талабларни олиш мумкин:

- 1) фанга кириш (тариҳи, предмети, долзарблиги, мутахассислик бўйича дастурнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва ўрни);
- 2) фан (курс) бўйича ўқув дастури;
- 3) фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари;

- 4) курсни мустақил ўрганиш бўйича услугбий кўрсатмалар;
- 5) мундарижа;
- 6) бўлимлар бўйича тузилган асосий мундарижа;
- 7) бўлимлар бўйича назарий ва амалий маълумотлар, тестлар, саволлар, тренинг учун жавоблари билан машқлар;
- 8) якуний тест;
- 9) мустақил ишлаш учун амалий топшириқлар;
- 10) катта бўлмаган илмий-тадқиқот ишлари учун мавзулар (мини-ИТИ);
- 11) терминларнинг изоҳли луғати;
- 12) қисқартма ва атамалар рўйхати;
- 13) хулоса;
- 14) адабиётлар рўйхати(асосий, қўшимча, факультатив);
- 15) курснинг мавзулари бўйича дарсликлардан, журналлардан олинган ва илмий мақолалар лавҳаларини ўз ичига олган хрестоматия (дайжест);
- 16) кўлланманинг муаллифи ҳақида қисқача маълумот.

Масофавий ўқитишда кўлланиладиган техник восита ва технологиялар таълимга янги технологияларнинг кириб келиши – ахборотни узатиш ва қайта ишлашнинг электрон воситаларига асосланган янги таълим технологияларининг ва ўқитиш шаклларининг пайдо бўлишига олиб келди. Масофавий ўқитишда қуйидаги техник восита ва технологиялар қўлланилади: ўргатувчи, синовчи ва алоқа воситалари. Ўргатувчи воситаларга изоҳли луғатлар, қидирув воситалари, электрон ўкув кўлланмалар, маъruzalarning видеокурси ва бошқалар киради. Синовчи воситаларга тест саволлари, ўз-ўзини текшириш воситалари мансуб. Алоқа воситалари бўлиб форумлар, почта, аудио ва видео кассеталар хизмат қиласи. Одатдаги маъзуза курси анъанавий ўқитишда қуйидагини назарда тутади: маъзуза, изоҳлар (ўкув материалини маърузачи томонидан изоҳлаш), оғзаки, якуний имтиҳонда баҳолаш. Масофавий таълимда ўқитувчи функциясини ўргатувчи ва синовчи воситалар (тўла автоматлаштирилган, тугал дастурий

маҳсулотлар) бажаради, шунингдек, ўқитишнинг автоматлаштирилган мухитини ташкил этувчи видео ва электрон нашр этилган услубий материал бажаради.

Электрон дарсликнинг имкониятларини мультипликация ва видеотехниканинг замонавий воситаларини қўллаган ҳолда кенгайтириш мумкин. Булар ўкув курси бўйича видеомаърузалар, ишлаб чиқариш жараёнларининг намойиши, машҳур олимларнинг чиқишилари ва бошқалар бўлиши мумкин. Электрон дарсликни яратишида маълумотлар омборини яратиш ва унга маълумотлар киритиш лозим бўлади. Бундай вазиятда маълумотлар омборига мурожаат ва унда жойлашган материаллар устида амаллар бажаришнинг айrim усуслари мавжуд бўлади.

Замонавий компьютерга мўлжалланган дидактик дастурлар (электрон дарсликлар, компьютер топширикномалари, мультимедиали электрон дарсликлар, гиперматнли ахборот-маълумот тизимлари, электрон архивлар, электрон каталоглар, маълумотномалар, энциклопедиялар, синовчи ва шакллантирувчи тренажёр дастурлар) ўқитишнинг мультимедиа воситалари сарасига киради. Мультимедиа дидактик материални узатишни юқори даражада қулай ва кўргазмали бўлишини таъминлайди, бу ўз навбатида ўкувчиларда ўрганишга қизиқиши ортиради.

Таълим муассасасининг ахборотлашган мухитини яратиш ўрта маҳсус таълим муасссаларининг барча компьютер синфларини интернетга улаш ва шу аснода интернетда мавжуд маълумотлардан, шу жумладан электрон ўкув адабиётларидан фойдаланиш имкони йўқ вазиятда локал тармоқда ишловчи олий таълим муассасасининг интернет-фазосини яратиш мумкин.

2.4. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси.

Компьютер технологияларидан фойдаланишда, унинг мазмунига кўра бир қанча вазифаларни бажариши мумкин. Фаол фойдаланиш имкониятига эга компьютер технологиялари қуидаги асосий дидактик функцияларни бажаради:

- мультимедиа технологиясини қўллаш эвазига ўқувчиларда ўқишига қизикишни орттиради;
- бунда таълимнинг интерфаоллиги туфайли ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини фаоллаштиради ва ўқув материалыни ўзлаштирилишининг самарадорлигини оширади;
- реал ҳолатларда, намойиш қилиниши қийин ёхуд мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва кўриш имконини бериши билан муҳим ҳисобланади;
- ўқув материалларини ўзлаштирилишини фақат даражасига кўрагина эмас, балки ўқувчилар эришган мантиқ ва қабул қилишларининг даражасига кўра ҳам самарали қила олади;
- масофадан туриб таълим олишни фақат сиртдан ўқиётган ўқувчилар ёхуд ИНТЕРНЕТ таълим учунгина эмас, балки сабабли дарс қолдирган ўқувчилар учун ҳам ташкил этиш имкониятини беради;
- ўқувчиларга мустақил изланиш йўли билан материалларни излаш, топиш ҳамда муаммоли масалаларга жавоб топиш орқали маълум тадқиқот ишларини бажариш учун имконият яратади;
- ўқувчиларнинг ўқиши, курс, битирув иши ёзиш ишларида, ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаш ва ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил этиш каби масалаларни тез бажариш учун шароит яратади.

Маълумки таълим мазмунини такомиллаштиришнинг бош хусусиятларидан бири компьютер билан мулоқот жараёнида унинг доимий мурожаат қилинадиган «қўллаб-қувватловчи ахбороти»ни кўпайтириш, компьютер ахборот муҳити ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасининг яратилганлиги, гиперматн ва мультимедиа, ўқитишда имитация, коммуникация тизимлари қабул қилинган.

Коллеж ўқувчилари билан телеконференцияни ташкил этиш

Телеконференция (teleconferencing) – икки ва ундан ортиқ гурух

қатнашчиларининг ўзаро мулокотини ташкил этиш учун электрон алоқа каналларидан фойдаланиш жараёнидир. Мавзули фикр алмашишлар модератор томонидан бошқарилади. Телеконференция жараёнида овоз, тасвир ёки компьютер маълумотлари узатилади. Телеконференцияга жўнатилган хабар унинг барча қатнашчиларига етказилади, яъни мулокот бир стол атрофидаги мулокот жараёнига ўхшайди. Телеконференция ўзида аудиоконференция (audioconferencing), видеоконференция (videoconferencing) ва компьютер конференциялари (computerconferencing) каби технологияларни мужассамлаштиради.

Ҳозирда компьютер технологияларининг тараққиёти интерфаол телекоммуникация технологияларининг янги техник имкониятлари видеоконференция ва аудиоконференция каби технологияларнинг ривожланишига олиб келди. Интерфаол масофавий ўқитиш тизимининг жорий этилиши видеоконференция технологиялари билан ҳамоҳанг равишда исталган масофада синхрон ахборотлар алмашинувини таъминлайди. Ҳозирда фанларни компьютерлардан фойдаланиб ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Компьютер технологияларининг имкониятларидан ўқувчиларни шахсга йўналтирилган ривожланишини, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Педагоглар компьютердан дарсга методик материалларни тайёрлашдагина эмас, балки фанни ўқитишда зарур компьютер дастурларидан фойдаланишда, ўқувчилар билан индивидуал ишлаш жараёнида ҳам фойдаланадилар. Компьютер дастурий воситаларига киритилган интерфейснинг қулайлиги, педагогларга янги ахборот технологияларини яхши ўзлаштиришлари имконини яратади. Бу билимларни узатишда, малака ва кўникмаларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Компьютер технологияларининг ўқув жараёнида асосли қўллашнинг яна бир муҳим жиҳати, реал жараёнлар ва экспериментларнинг компьютер моделини яратиш билан алоқадорлигидир. Компьютер ёрдамида маълумотларни қайта

ишилаш, модел ва натижаларнинг намойиши, кўп ҳолларда, қиммат турадиган экспериментал қурилмаларга бўлган эҳтиёжни ўрнини босади, айrim ҳолларда (атом ва квант физика, ярим ўтказгичлар, кимё, биология, тиббиёт ва бошка фанлардаги жараёнларни моделлаштириш) жараённи намойиш этишнинг ягона усули саналади.

Кўриб чиқилаётган телеконференция коллеж ўқувчилари учун жуда қулай, узоқдаги маълумотни яқиндан ҳис қилган ҳолда зарур бўлган маълумотларни алмашинади. Коллеж ўқувчилари учун телеконференция барча фанлар кесимида интерфаол тарзда ташкил этилиши лозим. Бу ўз навбатида коллеж ўқувчиларини айrim фанларни мукаммал ўзлаштириши, зарур маълумотларни олишига ёрдам беради. Республикаизда вилоят, туман ва шаҳар коллежларининг ўқув курслари, унинг дастурлари тасдиқланган режага киритилган бўлади, шу режа асосида телеконференцияни ташкил этиб ва унинг сўнгги натижасини масъул ходимлар назорат этиб боришлиари шарт.

Видеоконференция нима учун керак деган саволга қуйидаги сабабларни кўрсатиши мумкин. Инсонлар кундалик ҳаётида олаётган маълумотларни 80-85% ни кўриш орқали олади. Шунингдек, бошқарув ишлари, медицина, масофавий таълим ва бошка жабҳаларда видеоконференцияни аҳамияти жуда муҳим. Минглаб километр масофадаги шахсларни реал вақтда мулоқотини ошириш ҳам вақт, ҳам иқтисодий тежамкорликка олиб келади.

Видеоконференцияни амалга оширишда маҳсус видеокамералар, мультимедиали проекторлар ва мониторлар, видеосерверлар, колонкалар ва микрофонлар ва бошқада жиҳозлар зарур бўлади.

Республикаизда ахборот телекоммуникациялари яхши йўлга қўйилган, бизда видеоконференция ташкил этилганми? деган савол бўлади, албатта бундай видеоконференциялар Тошкент давлат педагогика университети VCON, Canon, RADVision компаниялари томонидан ишлаб чиқилган видеоконференция қурилмалари ва UZNET провайдери алоқа каналидан фойдаланган ҳолда,

республикамизнинг бир қанча ОТМлари билан видеоконференция алоқасини амалга оширмоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари, Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Гулистон Давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти, Навоий давлат кончилик институти, Тошкент Давлат юридик институти каби ОТМларни мисол келтиришимиз мумкин.

Демак, бу тарздаги ишларда коллекцияларо видеоконференциялар олиб борилса таълим сифатини кўтарилишига ўз хиссасини қўшган бўларди.

Интернет тармоқларида «Электрон конференциялар» саҳифаси ҳам ташкил этилган. Улардан **Pedagog.uz** порталига кириш мумкин. Унда педагогик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари педагогика фанининг долзарб масалалари, янги инновацион технологиялар, таълимнинг замонавий методлари, шакллари, воситалари бўйича электрон мунозарани ташкиллаштириш, масофадан туриб ўзаро фикр алмашиш, тажрибаларни оммалаштириш, баҳс-мунозара юритишлари учун имконият яратиш мақсадида Elektron konferensiya саҳифаси фаолият кўрсатади. Elektron konferensiya саҳифасидаги мавзуларни нафакат соҳа мутахассислари, балки рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчилар танишиб, ўз фикр— мулоҳазаларини билдириш имкониятлари яратилган. Мақолаларнинг мавзулари, муаллифлари, мақола киритилган сана ва мақолага мурожаатлар сони кўрсатилиб борилади. Фойдаланувчи мақола мавзусига гипермурожаат амалини бажариб киради ва мақоланинг тўлиқ мазмуни билан танишиши, уни ўқиб чиқиши ва хабар қолдириш бўлимида ўз фикрини қолдириши мумкин. Мақолани жойлаштириш учун портал бўйича тегишли таълим муассасаси администраторига мурожаат қилинади. Педагогика таълим муассасалари ўқувчиларининг фан асосларини чукур эгаллашлари учун зарур бўлган ўқув-меъёрий хужжатлар, дарсликлар ва ўкув адабиётлари, интеграллашган илмий ресурслар Elektron kutubxonasi шаклида тизимлаштирилган.

Elektron kutubxona ахборот-таълим ресурсларининг таълим стандартлари ва дастурларига мослиги, муаллифлик ҳукуқларига риоя этилишини таъминлаш, ишончлигини ошириш мақсадида тегишли экспертиза ва тасдиқдан ўтказилиб, фойдаланиш учун тақдим этилади.

ХУЛОСА

Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил етади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, шу билан бир қаторда бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий етишга хизмат қиласди. Таълим жараёнида мултимедиа технологияларидан фойдаланиш машғулотларни интерфаол режимда олиб боришга имкон беради.

Мултимедиа (ингл. сўз мулти – кўп, медиа – муҳит) – бу турли кўринишдаги ахборотлардан (матн, тасвир, овоз, видео, анимация) иборат яхлит бир кўринишга айтилади.

Мултимедиа технологиялари – бу мултимедиали маҳсулот яратиш жараёнидаги техник ва дастурий воситаларни танлаш ва қўллаш жараёнига айтилади.

Мултимедиа технологияларининг асосий мақсади – ахборотни қабул қилишда содда ва қулай бўлган мултимедиа маҳсулотини яратишдан иборат.

Мултимедиа технологияларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш учун унинг мазмунини белгилайдиган дидактик материаллар асосий қўрсаткичлардан биридир. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш.
2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб биз ушбу битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида мултимедиа технологиялари ва уларнинг ўқув жараёнида самарали фойдаланиш масалалари, шунингдек, унга қўра мултимедиа технологияларини ташкил етиш воситалари билан танишдик.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил етиш самарадорлигини ошириш долзарб педагогик муаммодир. Машғулотларни ташкил етиш ва

такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда назарий асосларини такомиллаштириш лозим.

Ўқув машғулотини ташкил етишдаги камчиликлар ва вазифалар аниқлаш ва уларни баратараф етиш, ўқув машғулотидан кўзланган мақсад, назарий-амалий билимларни мустаҳкамлаш, олинган билимларни илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал етишда қўллаш, замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техниканинг ривожланиши шароитида ўқувчиларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлаш каби ишларни амалга ошириш муҳимдир.

Бунинг учун:

- ўқув машғулотини ташкил етишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;
- мавжуд ҳолат ва бу соҳадаги назарий ёндашувларни таҳлил қилиш;
- унинг изчил тизими, амалга ошириш методлари ва унинг натижасида шаклланадиган билим, кўнирма ва малакаларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиши;
- ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиласиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш;
- Ўқув машғулотининг назарий асосларини яратиш, унинг самарадорлик даражасини аниқлаш лозим.

Хозирда ўқув машғулоти мазмуни ва унинг таркибини такомиллаштириш йўлларини излаш, замонавий илмий интеграция ғоялари асосида бундай машғулотнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиши муаммолари ҳам мавжуд.

Мазкур муаммо доирасида қуйидаги масалаларни тадқиқ етиш лозим:

- ўқув машғулотини замонавий ташкил етиш дидактикасини аниқлаш;
- ўқувчиларга уларнинг мақсадини тушунтириш;
- фанларни ўргатишида ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб бериш;
- истиқболли имкониятларини асослаш;
- ўқув машғулотини ташкил етиш асосида бу жараённинг таълим-тарбиявий имкониятларини кенгайтириш;
- уларга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиши.

Таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил етиш муаммоларига қаратилган изланишлар шуни кўрсатдики, замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан

фойдаланилган, билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилган, назарий билимларни амалий кўникмаларда кўллаш, ўргатишни ва баҳолаш тизимини ўзида қамраб олган ўқув машғулоти самарали ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўқув машғулоти олдида турган долзарб муаммолардан бири - илм-фаннинг муайян соҳасини егаллашда ўқувчиларнинг ижгимоий ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бундай машғулотнинг мазмунини илмий жиҳатдан мукаммаллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган технологик ишланмалар бугунги кунда жуда зарур.

Таълим муассасалари педагогларининг ўқув машғулотини ташкил этиш, ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқиши маҳоратларини ривожлантириш учун семинарлар ташкил этиш, бугунги кунда, педагогик ва ахборот технологияларидан, улар етарли ҳамда самарали фойдалана олмаётганликлари инобатта олиниб, уларнинг малакасини оширишда фаоллаштириш шакл ва методларидан фойдаланиш зарур.

Ўқув мақсадларини ойдинлашгариш, ўқитиш ва ўзлашшиш жараёнларида қўлланиладиган турли усул, технология ва воситаларлардан фойдаланиш, ўқув машғулоти жараёнлари мазмунини чуқурлаштириш, таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга олиб келади.

Бугунги кунда мултимедиа технологиялари инсон фаолиятида, яъни бизнес, таълим, тиббиёт, харбий ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу фаолият йўналишларида мултимедиа махсулотларини яратиш учун кенг кўламдаги дастурий воситалар мавжуд. Уларнинг айримлари мултимедианинг алоҳида компоненталари билан ишлашга мўлжалланган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”, ПФ-4947-сон. Тошкент ш., 2017 йил 7 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 19 март куни ёшларга сътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб етиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш қўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилишдаги нутқи. Тошкент, 2019 йил 19 март.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни \| Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ИХ сессияси материаллари. Тошкент, 1997 йил 29 август.
4. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни \| Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ИХ сессияси материаллари. Тошкент, 1997 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ахборотлаштириш концепцияси \| Маърифат газетаси. 2004 йил 9 апрел.
6. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. - Тошкент: Фан, 2009. - 146 б.
7. Абдуқодиров А.А., Пардаев А. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т. Фан ва технология. 2012. – 44 б.
8. Абдуқодиров А.А., Пардаев А. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси. – Т. Фан ва технология. 2012. – 104 б.
9. Арипов М., Мухаммадиев Ж. Информатика, информацион технологиялар \| Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: ТДЮИ. 2004. –275 Б.

- 10.Аллаёров С.П., Раҳмонов С.Т., Қулмаматов С.И., Тоштемиров Д.Е. Информатика, ахборот технологиялари фанидан лаборатория ишлари. Методик кўрсатма. - Гулистан, 2003. – 123 б.
- 11.Арипов М.М., ва б. Информатика, ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, 1,2-қисм. – Тошкент, «Университет», 2007. – 264 б.
- 12.Арипов М.М., ва б. Информатика, информацион технологиилар. Ўқув қўлланма, 1-қисм. - Тошкент : «ТДТУ», 2002. -230 б.
- 13.Арипов М.М., ва б. Информатика, информацион технологиилар. Ўқув қўлланма, 2-қисм. - Тошкент : «ТДТУ», 2003. - 430 б.
- 14.Исоқов И., Тоштемиров Д.Е. Таълим тизимида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш усууллари \| Олий таълимнинг маҳсус сиртқи бўлимида ўқув жараёнини такомиллаштириш: Республика илмий анжумани материаллари тўплами. 23-24 май 2008. – Гулистан: ГулДУ, 2008. – Б. 27-29
- 15.Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар. - Т. Истеъдод. 2010. – 141 б.
- 16.Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар. - Т. Истеъдод. 2010. – 180 б.
- 17.Йўлдошев Ж. Ғ., Усмонова С.А. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи. 2004. – 104 б.
- 18.Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиянинг моҳияти. \| Халқ таълими. –Тошкент, 1999. -№1. –Б. 97-102.
- 19.Тайлақов Н., Ахмедов А. ИБМ-ПС компьютери. – Тошкент: Ўзбекистон. – 2001.- 207 б.
- 20.Тожиев М. ва бошқ. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиилари. -Т.: 2001. - 148 б.
- 21.Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Фан, 2006. – 262 б.
- 22.Тоштемиров Д.Е. Информатика ва ахборот технологиилари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. - 216 б.

23. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 2-том. – 396 б.
24. Юлдашев У.Ю., Бокиев Р.Р., Закирова Ф.М. Информатика ўқитиши методикаси. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун кўлланма. – Тошкент: Талқин, 2005. - 160 б.
25. www.глоссарий.ру – Ахборот технологиялари бўйича маълумотлар.
26. www.информика.ру – Информатика соҳасига оид маълумотлар базаси.
27. www.истедод.уз – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси веб сайти.
28. www.педагог.уз – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг педагогика таълим портали.
29. www.зиёнет.уз – Ахборот таълим тармоғи.
30. www.интуит.ру – Россия ахборот технологиялари очиқ университети таълим портали.